



**Ilmiy amaliy
jurnal
№ 1 (03)
2026**

**YANGI
O'ZBEKISTON
IQTISODIYOTI**

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali 1-son 2026 yil*

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLY TA‘LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI
O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI

1

ISBN 978-9943-5256-3-4

Toshkent – 2026

MUNDARIJA

Tursunov A.M. O‘zbekiston elektroenergetikasini rivojlantirishda innovatsion texnologiyalar va “Yashil” energetikaning o‘rni.....	7
Abdulazizov A.A. Raqamlashtirish sharoitida energetika sanoati korxonalarining barqaror rivojlanish omillari.....	11
Jurayev D.A. Электротехника sanoati korxonalarida ishlab chiqarish jarayoniga taʼsir etuvchi omillar.....	15
Suyarov Sh.S. Konchilik sanoati korxonalarida resurs salohiyatidan samarali foydalanish.....	18
Кариева Л.С. Энергетика sanoati korxonalarining ishlab chiqarish samaradorligini oshirish yo‘llari.....	21
Axtamov A.U. Aksionerlik jamiyatlarida korporativ boshqaruvning moliyaviy samaradorlikka taʼsiri xususida.....	25
Гафуров А.Б. Значение цифровой трансформации управления образованием в высших учебных заведениях.....	29
Абиткариев А.М. Значение развития человеческого капитала и стимулирования трудовой деятельности.....	33
Abdullayev D.G’. Intellektual kapital: tushunchasi, mazmuni va taraqqiyoti.....	37
Abdullayev M.G’. Xodimlarning professional rivojlanishini baholash usullari.....	42
Isakov A.Y. Tadbirkorlik sub’yektlarida raqobat ustunliklarini shakllantirishning asosiy omillari.....	46
Ashurova G.N. Charm poyabzal sanoatining xom-ashyo ishlab chiqarish va uning zahira resurslari.....	52
Yo‘ldosheva M.F. O‘zbekistonda davlat budjeti daromad va xarajatlarining tarkibi va ularning statistik tahlili.....	56
Қулматов А.А. Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorlikni mintaqalarda qo‘llab-quvvatlash mexanizmlari.....	61
Babayev A.N. Yoshlar bandligini taʼminlashni boshqarishning nazariy-metodologik asoslari va institutsional mexanizmlari.....	67
Sharipov H.A. Oilaviy tadbirkorlikning iqtisodiy mazmuni va xo‘jalik yuritish shakli sifatidagi o‘ziga xos belgilari.....	71
Турдиева Я. Анализ коррупционных рисков в системе гчп в сфере дошкольного образования.....	75
Vaxidov A.K. Personalni tanlash va ishga yollashning xorijiy tajribalari.....	78
Gaymatova D.G’. Biznes faoliyatini samaradorligini oshirishda iqtisodiy-matematik tahlil.....	83
Pardayev E.E. Xizmat ko‘rsatish jarayonlarini boshqarishda raqamli texnologiyalarning iqtisodiy samaradorligi.....	87
Ibragimova S.A., Muradov Sh.D. Aksiyadorlik jamiyatlari boshqaruvida innovatsion usullarni joriy etishning zamonaviy tendensiyalari.....	91
Адилов Б.Б. Социальные услуги в Республике Узбекистан: современное состояние, проблемы и перспективы развития.....	96
Yoqubova Z.T. Tarkibiy o‘zgarishlar va iqtisodiy o‘sish o‘rtasidagi munosiblikni taʼminlashning konseptual asoslari.....	101
Saidaxmedova N.I., Aripov A.S. Oliy taʼlim tashkilotlari boshqaruv tizimini shakllantirishda iqtisodiy nazariyalarning metodologik ahamiyati.....	106
Abduvovyeva X.Sh. O‘zbekistonda davlat ijtimoiy xarajatlarining aholi farovonligiga taʼsirining korrelyatsion–regression tahlili.....	111
Умаров А.А. Хорижий тажрибаларга асосан янги банк хизматларини жорий этилишини ривожлантириш натижасида тижорат банкларини хизматлар жозибadorligini oshirish... Shoraximova Z.N. «O‘zbekistonda sug‘urta kompaniyalarida qayta sug‘urta orqali risklarni diversifikatsiya qilish samaradorligini baholash».....	116
Умурзакова З.С. Меҳнат омилидан фойдаланишни такомиллаштириш йўллари.....	126
Karimov X.O. Kichik biznes va tadbirkorlikni rivojlantirish orqali aholi daromadlarini oshirishning institutsional strategiyalari.....	130

Aхунов М.А. Корхона иқтисодий самарадорлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари.	134
Ахмаджонов С.С. Корхона асосий фондларидан фойдаланишни яхшилашнинг ижтимоий-иқтисодий самараси.....	138
Abdullayeva Sh.А. Veb-texnologiyaga asoslangan bir turdagi tovar zaxiralarini boshqarish va amaliy masalalarni optimallashtirish.....	142
Дусанов С.М. Таълим тизимида рақобат муҳитини ривожлантиришнинг молиявий ресурслардан фойдаланиш аҳамияти.....	146
Мамаражобов А.С. Tadbirkorlik subyektlarining tashqi savdo faoliyati natijalarini reytinglash va undan foydalanish masalalari.....	151
Nigmatova D.Z., Amanov E.G’. Kadrlar qo‘nimsizligining korxonalarida samaradorligiga ta’siri.....	157
Ikromjonova M.U. To‘qimachilik korxonalarida mahsulot tannarxini kalkulyatsiya qilishning iqtisodiy mohiyati va tarkibi.....	160
Madaminjonov A.O. To‘qimachilik korxonalarida tayyor mahsulotlar ishlab chiqarish va sotish hisobini rivojlantirishning iqtisodiy jihatlari.....	164
Jamoliddinova S.S. Ustama xarajatlarning iqtisodiy mohiyati, tarkibi va ishlab chiqarish tannarxini shakllantirishdagi o‘rni.....	168
Akbaraliyev A.E. O‘zbekiston Respublikasida investitsiya siyosati va investitsiya dasturlarining iqtisodiy rivojlanishdagi o‘rni.....	173
Эрматова С.И. Учет обязательств в хозяйствующих субъектах.....	178
Maxsudov Sh.S. To‘qimachilik sanoati korxonalar faoliyati samaradorlikni monitoring qilishning ahamiyati.....	181
Boyev X.I., Adilov B.B. Mahalliy byudjetlar barqarorligi — ijtimoiy himoya tizimini mustahkamlash omili sifatida.....	186
Raxmonova N.A. Biznes ta’limida raqamli transformatsiya va innovatsion o‘qitish strategiyalari.....	190
Якубова Д.М. Применение экономико-математических моделей в промышленном производстве.....	194
Ibrohimov N.B., Jabbarov K.Y. Aylanma iqtisodiyotga o‘tishning fundamental asoslari: chiziqli modelning cheklovlari va barqaror rivojlanish imkoniyatlari.....	198
Matyoqubova D.O. Biznes tuzilmalarining innovatsion rivojlanishini diversifikatsiya qilish.....	202
Rahmatullayeva F. Andijon viloyatida yoshlar tadbirkorligi rivojlanishining tarmoqlararo diversifikatsiyasi va iqtisodiy faollikka ta’siri.....	206
Mamajonov L.A. Mahalliy byudjet daromadlarining barqarorligini ta’minlash yo‘nalishlari.....	209
Давруков Ф.У. Инновационные механизмы демонополизации в условиях цифровой трансформации экономики Республики Узбекистан.....	213
Убайдуллаева Н.Р. Роль перестрахования в управлении катастрофическими рисками и обеспечении финансовой устойчивости страховых компаний.....	222
Abdullayev A.A. Tijorat banklari orqali kichik biznesni moliyalashtirish samaradorligini oshirish mexanizmlari.....	227
Alimov O.N. O‘zbekiston Respublikasida jamg‘arib boriladigan pensiya ta’minoti tizimining huquqiy asoslari va rivojlanish istiqbollari.....	230
Sultonov B.M. Oilaviy korxonalar faoliyatini boshqarishda va boshqaruv mexanizmi bo‘yicha institutsional asoslari.....	235
Mamajonova N.A. Innovatsion rivojlanish sharoitida iqtisodiy tizimlarni boshqarish nazariyalarining transformatsiyasi hamda uning evolyutsiyasi.....	239
Sanaqulova A. O‘zbekistonda yashil iqtisodiyotga o‘tish: muammolar va imkoniyatlar.....	243
Nazarov N.N. Hududiy barqaror rivojlantirish strategiyasini shakllantirishning metodologik asoslarini takomillashtirish.....	247
Toshpulatov A.M. Qurilish materiallari sanoati korxonalarida ishlab chiqarish hajminiga oid qarashlar va uning mohiyati.....	251
Sanaqulova A., Ochilova M. Bugungi kunda raqamli iqtisodiyot.....	254
Umarov I.Y. Xalqaro darajada sifat menejmenti va ISO standartlarini rivojlanish tendensiyalari tahlili....	257

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Абдурахмонов Қ.Х. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. — Тошкент: «Иқтисод-Молия», 2021.
2. Холмўминов Ш.Р. Корхона фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари. — Тошкент, 2020.
3. www.google.uz
4. https://stat.uz/img/press-relizlar/registr-press-reliz-01_11_25-uz-cyril_p88719.pdf

УДК: 658.15

**КОРХОНА АСОСИЙ ФОНДЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ЯХШИЛАШНИНГ
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ САМАРАСИ**

**СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ЭФФЕКТИВНОСТЬ ПОВЫШЕНИЯ
ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ОСНОВНЫХ ФОНДОВ ПРЕДПРИЯТИЯ**

**SOCIO-ECONOMIC EFFICIENCY OF IMPROVING THE USE OF FIXED ASSETS OF
AN ENTERPRISE**

Ахмаджонов Содиқ Солиевич

Андижон давлат техника институти “Иқтисодиёт” кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация

Ушбу мақолада корхоналарда асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалалари ҳамда унинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти тадқиқ этилган. Асосий фондлардан оқилона фойдаланиш ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, маҳсулот таннархини пасайтириш, меҳнат унумдорлигини юксалтириш ва корхона рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қилади. Шунингдек, асосий фондлардан самарали фойдаланиш аҳолининг бандлигини ошириш, иш ҳақи даражасини яхшилаш ва ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлашга ижобий таъсир кўрсатади.

Калит сўзлар: асосий фондлар, самарадорлик, корхона, ижтимоий-иқтисодий самара, меҳнат унумдорлиги, ишлаб чиқариш, рақобатбардошлик

В статье рассматриваются вопросы повышения эффективности использования основных фондов на предприятиях и их социально-экономическое значение. Рациональное использование основных фондов способствует увеличению объемов производства, снижению себестоимости продукции, росту производительности труда и повышению конкурентоспособности предприятия. Кроме того, эффективное использование основных фондов положительно влияет на уровень занятости, рост заработной платы и укрепление социальной стабильности.

Ключевые слова: основные фонды, эффективность, предприятие, социально-экономический эффект, производительность труда, производство, конкурентоспособность

This article examines the issues of improving the efficiency of using fixed assets in enterprises and their socio-economic significance. Rational utilization of fixed assets contributes to an increase in production volume, reduction of production costs, growth of labor productivity, and enhancement of enterprise competitiveness. In addition, effective use of fixed assets has a positive impact on employment growth, improvement of wage levels, and strengthening of social stability.

Keywords: fixed assets, efficiency, enterprise, socio-economic effect, labor productivity, production, competitiveness

Иқтисодиётда ва ижтимоий муносабатларнинг бутун тизимида чуқур сифат ўзгаришлар юз бераётган шароитда бошқарув самарадорлиги муаммоси алоҳида аҳамият касб этади. Бу масалани ҳал қилиш бутун иқтисодиёт самарадорлигини таъминлаш масаласининг ечилишига ёрдам беради.

Макроиқтисодий даражадаги самарадорлик ҳар бир алоҳида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг самарадорлигига, ўз навбатида уларнинг самарадорлиги эса бевосита ишлаб чиқариш жараёни (операцион тизимларнинг) самарадорлигининг йиғиндисидан ташкил топади, шу сабабли ҳар бир операцион тизим фаолияти самарадорлигини таъминлаш - менежментнинг бугунги кундаги долзарб вазифасидир.

Ҳозирги кунда ишлаб чиқариш хўжалик тизимлари ривожланишини яқуний натижаларга қаратилиши муносабати билан пировард натижалар бўйича мақсадларни белгилаш ва ўзаро боғлаш масалалари алоҳида аҳамият касб этмоқда. Мақсадни белгилашдаги хатолар тобора сезиларлироқ бўлиб бормоқда (айрим маълумотларга кура, бошқарувдаги барча хатоларнинг 90%). Баъзида оралик мақсадлар натижавий мақсадлар ўрнини босиб қолиши кузатилмоқда ёки, аксинча, оралик мақсадларга эътибор бермаслик натижавий мақсадга эришиш муддати ва сифатига таъсир этмоқда. Буларнинг барчаси операцион тизимнинг натижавий-лиги ва самарадорлигини пасайтириши мумкин.

Ишлаб чиқариш-хўжалик тизимларининг кўп мақсадилиги ва ”яқуний натижалар” тушунчасининг серқиррасилиги ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти натижавий-лигининг турли шакллари тўғрисида гапириш имконини беради. Ҳозирги кунда натижавий-ликнинг ижтимоий, иқтисодий, илмий техник, экологик, ташкилий, вақт жиҳатлари аҳамиятлидир.

Ишлаб чиқаришнинг натижавий-лиги – ишлаб чиқариш тизимининг маълум эҳтиёжларни қондирувчи ва тизимнинг барқарор ривожланишини таъминловчи мақсадларга мос яқуний натижаларга эришишни таъминлаш имкониятидир.

Ушбу таърифдан ишлаб чиқаришнинг натижавий ҳисобланиши учун қуйидаги шартларни кўрсатиш мумкин:

- ижтимоий-иқтисодий тизим яқуний натижаларга эришса;
- яқуний натижалар эҳтиёжларни қондирса;
- янги мақсад шаклланишига ва барқарор ривожланишга шароит
- яратишнинг имконияти яратилса;
- функционал менежментнинг ҳар бир тури бўйича натижавий-ликка эришилса, яъни функционал натижалар мақсадларга мос келса.

Ишлаб чиқаришни бошқаришнинг натижавий-лигини баҳолаш ташкилотнинг ривожланиш имкониятлари ва йўллари аниқлашга ёрдам беради, янги турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш ёки ишлаб чиқарилаётганини такомиллаштириш, диверсификациялаш, ишлаб чиқариш жараёни иштирокчилари орасидаги муносабатлар тўғрисида маълумот олиш имконини беради.

Лотин тилида *effectivus* сўзи маълум самара берувчи таъсирчанликни, унумдорликни англатади. Бу кенг қамровли тушунча бўлиб, ундан инсон фаолиятининг барча соҳаларида фойдаланилади. Мазмунан самарадорлик иш фаолиятининг натижавий-лиги ва ушбу ишни бажариш учун сарфланган энг оз (минимал) харажатлар ҳажмини акс эттирувчи - тежамлилиқ тушунчалари билан бевосита боғлиқ.

Самарадорлик деганда сарфланган харажатлар билан натижавий-лик даражасини таққослаш тушунилади. [1]

Менежмент самарадорлигини бошқариш фаолиятида “самарадорлик” тушунчасини намоён бўлиш шакли деб қараш тўғри булади. Ишлаб чиқаришни бошқариш самарадорлиги бу бошқариш фаолияти натижавийлигидир. Ишлаб чиқариш самарадорлиги унинг бошқарилувчи объект мақсадларига эришишдаги ва ижтимоий-иқтисодий самарасини таъминлашдаги натижавий-лиги билан ушбу натижаларга эришишда сарфланган харажатларини ва унда фойдаланилган ресурсларни таққослаш орқали аниқланади. Ишлаб чиқариш самарадорлигининг иқтисодий маъноси – ишлаб чиқариш ва бошқариш харажатларининг жорий ҳолатида макро ва микро даражада энг кўп иқтисодий самарани

таъминлаш бўлса, ижтимоий маъноси — ишлаб чиқариш ва бошқариш харажатларининг жорий ҳолатида энг кўп ижтимоий самарани таъминлашдир.

Умуман жамият нуқтаи — назаридан иқтисодий самара янгитдан ҳосил қилинган қиймат ёки ички ялпи маҳсулот (ЯИМ), ялпи миллий маҳсулот (ЯММ), миллий даромад (МД) кўринишларида ифодаланади.

2025 йилда Ўзбекистон Республикаси ЯИМ ҳажми жорий нархларда 1 849,7 трлн сўмни ташкил этди ва 2024 йилга нисбатан 7,7 %га ўсди. Бу кўрсаткичлардан кўриниб турибдики, иқтисодиёт иқтисодий ўсишни сақлаб қолган ва ЯИМ ҳажми йилдан йилга сезиларли ошган. ЯИМ ўсиш суръати – 2025 йилда январь–сентябрь даврида ЯИМ 7,6 % га ўсди.

Алоҳида олинган хўжалик юритувчи бугуннинг иқтисодий самараси соф даромад ва фойда миқдори билан намоён бўлади. Иқтисодий самаранинг бундай изоҳланиши бошқариш самарадорлигини аниқлашнинг ягона усулини қўллаш имкониятини беради.

Ишлаб чиқаришни бошқаришнинг ижтимоий-самарасини аниқлашда ҳам худди шундай қарашни (концепцияни) қўллаш мумкин. Ижтимоий-иқтисодий тизим нуқтаи-назаридан ижтимоий самара – ходимлар меҳнатининг энгиллашиши, бўш вақтининг кўпайиши ҳамда улар турмушининг даражаси ва сифати билан ифодаланади. Энг юқори иқтисодий самарага эришиш учун ишлаб чиқаришни тўғри ташкил этиш, ишлаб чиқариш қувватларидан ва асбоб –ускуналардан унумли фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ресурслардан тежамли фойдаланиш эвазига харажатларни камайтириш зарур. Албатта буларнинг барчаси бошқарув тизимини тўғри ташкил этиш, унинг самарадорлигини ошириш, оқилона қарорлар қабул қилиш билан биргаликда эришилгандагина кутилган натижани бериши мумкин.

Фойда самарадорликни баҳолашнинг кўрсаткичи сифатида халқ хўжалиги тармоқлари, корхона ва ташкилотлар бўйича самарадорликни ҳисоблашда маълум услубий қўллашни таъминлайди. Шу муносабат билан бошқа тенг шароитларда самарадорликнинг кўрсаткичи сифатида фойдани куйиш керак.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, корхонани ташкилий-техник ривожлантириш — ишлаб чиқариш жараёнларини модернизациялаш, уларни техник қайта қуроллантириш ва илғор бошқарув усуллари қўллаш натижасида олинган самара асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлиги даражаси (фонд қайтими) ортишида, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортишида ва пировардида, корхонанинг якуний молиявий натижаси – соф фойдаси ортишида кўринади.

Корхонани ташкилий – техник ривожлантириш натижасида корхонанинг моддий – техник базаси мустаҳкамланади, меҳнат интизومي ва сифати ортиши натижасида меҳнат унумдорлиги ортади, меҳнат тақсмоти ва ихтисослашувини тўғри амалга ошириш натижасида ходимларнинг касб малакаси ҳамда унумдорликлари ортади, бошқарув қарорларини қабул қилиш технологияси такомиллашади ва уларнинг сифати ортади, ижро интизومي мустаҳкамланади ҳамда маҳсулотларни йўқотишлар камаяди.[2]

Буларнинг барчаси фаолият самарадорлигини ошириб, унинг ресурс сиғимлигини камайтиради. Корхонада ишлаб чиқариш жараёнларини модернизациялаш нафақат иқтисодий самара, балки катта ижтимоий самара ҳам келтиради.

Ижтимоий самара дейилганда ишловчиларнинг меҳнат ва яшаш шароитлари яхшиланиши, ишларни бажариш энгиллашиши, ходимларнинг билим ва малакаси ортиши, меҳнат мазмундорлиги ва ходимларнинг ундан кўникиши ортиши, қулай ижтимоий – рухий муҳит шаклланиши кабилар тушунилади. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш жараёни экологик хавфсизлиги, маҳсулот ва хизматларнинг истеъмолга қулайлиги ортиши, корхонанинг жамиятдаги нуфузи (имижи) ортиши ҳам ижтимоий самара сифатида тан олинади.

Ишлаб чиқариш жараёни — бу маълум сифатдаги маҳсулотларни (хизматларни) айрилган миқдорда ва муддатларда тайёрлашга қаратилган меҳнат ва бошқа хил жараёнлар йиғиндисидир. Хар бир ишлаб чиқариш жараёни кўплаб алоҳида жараёнлардан ташкил топган бўлиб, улар асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи жараёнларга бўлинадилар.

- Ишлаб чиқаришни ташкил этиш усули пировард натижада корхонанинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашига, маҳсулотларни режа бўйича ўз вақтида ишлаб

чиқаришни таъминлашга, тугалланмаган ишлаб чиқаришни тартибга солиш орқали айланма маблағлар ҳаракатини назорат қилишга олиб келади.

- Асосий фондлар корхона ишлаб чиқариш воситаларининг бир қисми бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнида узоқ вақт иштирок этади ва ўзининг натурал-моддий ҳолатини йўқотмайди ҳамда ўз қийматини тайёрланаётган маҳсулотларга қисимлаб ўтказиб беради. Асосий фондлар қийматини тайёрланаётган маҳсулотга ўтказиш жараёни амортизация деб, ушбу жараёнда тўпланган маблағлар эса амортизация ажратмалари деб аталади.

- Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишнинг турли хил кўрсаткичлари мавжуд бўлиб, уларни шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин: биринчи гуруҳ — умумлаштирувчи ва қиймат кўрсаткичлари бўлиб, уларга фонд қайтими, фонд сиғими, фонд рентабеллиги ва бошқаларни киритиш мумкин иккинчи гуруҳ — хусусий ва натурал кўрсаткичлар бўлиб, кўпроқ асосий ишлаб чиқариш фондларининг фаол қисми — ишчилар, машина ва асбоб-ускуналардан фойдаланиш билан боғлиқ.

Корхоналарда асосий фондлардан фойдаланишни яхшилашнинг куйидаги йўналишларини тақлиф этиш мумкин:

- биринчи навбатда, корхонани модернизациялаш дастурини ишлаб чиқиш ва ҳар бир ходимга етказиш;

- корхонада мавжуд асосий техник воситаларни инвентаризация қилиш, жисмоний ва маънавий эскирган асбоб — ускуналар ўрнига янги, юксак унумга эга илғор техника ва технологияларни жорий этиш;

- ишлаб чиқариш жараёнларини рационал ташкил этиш принципларини таҳлил қилиш ва уларга риоя қилиш;

-вақтни ҳисобга олиш, назорат ва транспорт-омборлаштириш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш;

-техник асосланган вақт сарфи, хизмат кўрсатиш, ресурслар сарфи нормалар улушини кўпайтириш. Вақтни тежаш ва сифатни таъминлашни рағбатлантириш;

- Техникавий тайёргарликни яхшилаш ишлари ташкилий тадбирлар, бошқарувни ташкил этишни яхшилаш билан биргаликда олиб борилиши керак. Бунда корхонада назорат функциясини кучайтириш, қарорлар қабул қилишни илмий асослаш, раҳбарлар масъулиятини ошириш, уларни меҳнатини илмий асосда ташкил қилиш, коммуникацияларни яхшилаш талаб этилади. Шу билан бирга бошқарув технологиясини такомиллаштириш, автоматлаштирилган бошқарув тизимини жорий қилиш натижасида ортиқча

бошқарув аппарати ходимларини қисқартириш зарур.

- Ходимларни танлаш, жой-жойига қўйиш, ўқитиш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш зарур. Шу билан бирга интизом ва назорат функциясини кучайтириш лозим.

- Бошқарув кадрлари малакасини ошириш. Бунда корхонада ҳам функционал, ҳам чизикли бўлим раҳбарларини аттестация қилиш ва ҳозирги замон талабларига мос қилиб ўқитиш зарур.

- Ресурслардан фойдаланишда қатъий тежамкорлик стратегиясини жорий қилиш зарур.

- Корхонада янгиликларни қўллаб – қувватловчи илғор ташкилот маданиятини шакллантириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Izmailov, M.K. *Ways of increase in efficiency of use of fixed assets*. Economics and Management, 2019— асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш усуллари ва омиллари таҳлили.
2. Bredikhin, V., Yanchenko, N., Mokrytska, I. *Fixed assets and efficiency of their use*. Municipal Economy of Cities, 2020. асосий фондлар мазмуни, тузилиши ва самарадорлик факторлари ҳақида халқаро тадқиқот.
3. <https://stat.uz/oz/matbuot-markazi-2/qo-mita-yangiliklar-2/66553-2025-jilda-zbekiston-yalpi-ichki-ma-suloti-azhmi-7-7-foizga-sdi>